ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Б.С.Ғаниев

Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришга асосий таъсир этувчи омиллар, мазкур соҳадаги муаммоларни аниқлаш, ривожланишнинг стратегик таъсирларини ишлаб чиқиш ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: *хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, бозор, товар ва хизматлар.*

В данной статье проведен научно-практический анализ особенностей развития малого бизнеса и частного предпринимательства. Так же приводятся суждения относительно основных факторов развития предпринимательства, определения проблем в данной сфере, разработки стратегических действий развития.

Ключевые слова: *частное предпринимательство, малый бизнес, рынок, товары и услуги.*

This article presents scientific and practical analysis of the characteristics of small business and private enterprises. It alsodeals with creative thinking about the main influential factors of enterprise, identify problems in this area, the development of strategic action.

Key words: *private entrepreneurship, small business, market, products and services.*

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви мулкчилик шакллари ва тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо этади. Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида бу борадаги вазифаларни қуйидагича белгилаб берган эди: “... кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётимизда устувор ўрин олиши даркор. Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг, яъни ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз зарур” [1.339]

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик узлуксиз ривожланиб боришининг энг муҳим омили шуки, бу жараён меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам базага эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ўрта ва кичик бизнеснинг, тадбиркорликнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси бўлиш билан бирга, уларни ривожлантиришнинг ҳимояси, таянчи ҳисобланади.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қонун ва Президент фармонида (1998 йил 9 апрель) кичик ва ўрта бизнес тизими белгилаб берилди. Унга кўра кичик ва ўрта бизнес тизимига:

- саноат, қурилиш ва транспорт;
- қишлоқ хўжалиги;
- улгуржи ва чакана савдо;
- хизмат кўрсатиш ва сервис;
- фан ва илмий хизмат соҳалари киритилди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини, айниқса, қишлоқларда кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлди. 1995 йил 28 августида Вазирлар Маҳкамасининг ушбу вазифани амалга оширишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш” Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастур Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан бўлиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг маҳаллий-миллий жиҳатлари ўз ифодасини топган. Шу муносабат билан дастурнинг бош мақсадларини қисқача кўриб ўтиш ва шарҳлаш мақсадга мувофиқ. Булар:

- аҳолининг кенг қатламларини бозор фаолиятига олиб кириш, боқимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф этиш, тадбиркорлик, хусусий бизнес билан шуғулланиш истагини уйғотиш;

- мамлакатимизда асосий истеъмол маҳсулотлари қишлоқ хўжалик секторида ишлаб чиқа-

рилиши ва аҳолининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилишини назарда тутиб, қишлоқларда янги шаҳарчалар бунёд этиш дастурини амалга ошириш, ишсиз қолаётган кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш. Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун реал шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқда бозор муносабатлари ва инфраструктурани жадал ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни ривожлантириш учун етарли шарт-шароитларни таъминлаш;

- хизматлар ҳажмини, айниқса, банк, аудиторлик, колсантинг, воситачилик фаолияти билан боғлиқ ҳамда илм-фанни кўп талаб қиладиган хизматлар ҳажмини кескин ошириш;

- хўжалик юритиш самарадорлигини оширишни, ички бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши ва ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлигини таъминловчи, унча катта бўлмаган, мослашувчан ишлаб чиқаришлар, кичик ва хусусий корхоналарни жорий этиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, аҳоли фаровонлигини ошириш, қишлоқ ва шаҳар жойларда аҳоли бандлиги муаммосини ечишда муайян ўрин эгаллайди. Унинг яна бир муҳим ижобий томони – ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий ресурслардан фойдаланилиши, бу эса маҳсулот таннархининг бирмунча арзон бўлишини таъминлайди. Шу боис ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантирилишини рағбатлантириш республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкам кафолатлангани Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ўзига хос йўли ҳисобланади.

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва унда ўринсиз рухсатномаларни қисқартириш, ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун йўли билан қатъий тақиқлаш, рухсатнома бериш механизмини соддалаштириш ҳамда ўрнатилган тартиб-қоида ва муддатларга риоя қилиш бўйича давлат органлари фаолиятига бўлган талабларни белгилаш, рухсатнома беришни рад этиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асосларининг тугал рўйхатини белгилаш кабилар ана шундай хусусиятлардандир. Шу ўринда Парламент томонидан қабул қилинган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларнинг аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тадбиркорлик фаолиятида иш кўзини билиш, фаоллик ва тажрибанинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун, аввало, тадбиркор ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ хабардор бўлиб, улардан тўғри ва унумли фойдалана олиши лозим. Шу боис мамлакатимизда соҳа ривожи учун кенг имкониятлар яратиб берилаётган айни пайтда бугунги тадбиркор ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан юксак салоҳият эгаси бўлишига эришиш ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорликнинг миқдорий пировард натижаси бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришда эришилган меҳнат унумдорлиги даражаси, маҳсулотнинг сотилишидан олинган фойда миқдори ҳамда эришилган самарадорликда акс этади. Халқ турмуш фаровонлигини оширишда, маҳаллий ва ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириб боришда, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорлик қанча ривожланса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунча ривожланади. Тадбиркорлик субъектларининг фақат сон жиҳатидан ўсишига эмас, балки сифат жиҳатидан ортишига эътибор қаратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса кичик бизнес соҳаси учун билимдон, юқори малакали бошқарувчи кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучининг қиймати юқори унумдорлик билан фойдаланадиган иш жойига кўчириш имконини берадиган “кўринмас қўлга” айланади. Шу боисдан ҳам академик С.С.Ғуломов: “Тадбиркор шундай инсонки, у пул маблағлари, материаллар ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес, янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади” [4.32],- деб ёзади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши ва ривожланиб бориши алоҳида аҳамиятга эга. Айнан шу синф тадбиркорликдан бевосита манфаатдор. Тадбиркорликни ривожлантиришдан мақсад, биринчидан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий бойлик ва

турмуш даражасини ошириш, маълумот ва маданий савияни ўстириш асосида инсонларнинг доимий кенгайиб бораётган эҳтиёжларини қондириш бўлса, иккинчидан, техника-технологиянинг ривожланиши жараёнида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, маҳсулот сифатининг юқори бўлишини фақат инсонлар учун тегишли шарт-шароит яратилгандагина таъминлаш мумкин. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари таъминлангани, қатор имтиёзлар берилгани, текширишлар, ҳисобот ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларига аралашувларнинг қисқартирилгани, рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби киритилгани, тадбиркорлар учун кредит ва хом ашё ресурсларини кенгайтириш чоралари кўрилгани ўз навбатида вилоятлар иқтисодиётида тадбиркорлик улушининг йилдан-йилга ўсишига сабаб бўлмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биз учун ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив, мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади” [2.]. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий омилларни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва шу асосда унинг келажакдаги ривожланиш йўлларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятида янги техника ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга юқори таваккалчиликларсиз жорий этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб, улардан самарали фойдаланиш жараёни йирик корхоналарга нисбатан тезроқ рўёбга чиқади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қатор муаммолар рўёбга чиқмоқда. Бу ҳол кичик бизнес субъектларининг бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мувофиқ ўз фаолиятини ташкил эта олмагани ва хўжалик юритиш самарадорлигининг пастлигида намоён бўлмоқда. Бизга аёнки, самарали фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларигина мамлакатда иқтисодий ўсишга ва бандликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади. Тадбиркорлик фаоллиги кичик бизнес самарали ривожланишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Давлат томонидан олиб борилаётган тадбиркорликни ривожлантириш сиёсати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаоллигини оширишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, фаолликни баҳоловчи мезонларни таҳлил этиш, тадбиркорлик фаоллигини бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим дастаги сифатида ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том.- Т.: Ўзбекистон, 2000.- 528 б.

2. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида «2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисдаги маърузаси / Туркистон.- 2008.- 9 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.- 2010.- № 37.- 314-модда; 2010.- № 50.- 469-модда; 2011.- № 16.- 162-модда; 2011.- № 37.- 374-модда.

4. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.,1998.- 368-б.

Фарғона давлат университети
2015 йил 15 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Абдуллаев)